# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 7 июль, № 134 (4797) Сешанба

***«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»***

# НУРЛИ ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

***Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ёшларимиз таълим-тарбиясига узлуксиз ва мунтазам равишда эътибор қаратиб келинмоқда.***

ҒАМХЎРЛИК

Хусусан, айни пайтда ўғил-қизларимиз ёзги таътилда бўлишларига қарамай, бу даврда уларни жисмонан соғломлаштириш, билими, ақл-заковати, салоҳиятини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика Касаба уюшмалари Федерациялари кенгаши ҳамкорлигида ёзги оромгоҳлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган махсус дастур ижроси ҳам айнан шундай мақсадларни назарда тутади.

— Жорий ёзги таътил мавсумида 1-7 синф ўқувчиларининг 245 минг нафари шинам оромгоҳларда дам олади, — дейди Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Умид Эгамбердиев. — Шунингдек, мактаблар қошида ҳам спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари йўлга қўйилди. Уларда 91475 нафар ўқувчи кўнгилли дам олиши режалаштирилган. Бундан ташқари, миллион нафардан зиёд ўқувчи мактабдан ташқари таълим муассасалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда маҳаллалардаги спорт тўгаракларига қамраб олинади. Бу борада Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун ҳам етарлича имкониятлар яратилаяпти.

(Давоми 8-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплексининг 2009 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.***

# ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ

Мажлисда Комплекс соҳаларининг ҳисобот давридаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини бартараф этиш борасида қабул қилинган қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини таъминлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органлари ахборот тизимларининг интеграциялашган тармоғини яратиш ва идоралараро электрон ҳужжат алмашуви жорий этилишини ҳамда Комплекс таркибига кирувчи идораларда ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

2009 йилнинг ўтган даврида Комплекс бўйича 834,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди (2008 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 130,1 фоизни ташкил этди). Жумладан, аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар 451,2 млрд. сўмни (140,8 фоиз) ташкил этди.

Экспорт бўйича прогноз кўрсаткичлари 128 фоизга, Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар режаси 120 фоизга бажарилди.

Мажлисда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ҳамда маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтириш, уларнинг таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш ҳамда хом ашё ресурсларидан омилкорлик ва тежамкорлик билан фойдаланиш, корхоналарнинг экспорт имкониятларини ошириш сингари устувор вазифаларнинг ижроси, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

(Давоми 2-бетда).

***Очиғи, шу кунга қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини ислоҳ қилиш, чинакам истеъдодларни рўёбга чиқариш учун муҳим ишларни амалга ошириш заруратини ҳис этардик, лекин ана шу долзарб вазифани қандай уддалаш, қайси йўналишдан бошлаш ва бунда нимага таяниш кераклигини билмай, калаванинг учини йўқотган одам аҳволида эдик.***

# ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Муносабат

Президентимизнинг адабиётимиз ривожи ва бугунги куни ҳақидаги ўйлари, фикр-мулоҳазалари зиммамизга юклатилган эзгу амалларни бажаришдаги аниқ-чора тадбирларни қамраб олган мукаммал дастуриламал бўлди.

Яқинда хориж радио тўлқинларида ўша давлатнинг таниқли ёзувчиси билдирган фикрлар эътиборимни тортди. У мамлакати жуда кўп жабҳада дунёнинг исталган давлатига ибрат қилиб кўрсатса арзигулик мавқега етгани ҳақида гапириб, лекин ғоят долзарб бир жиҳат ёддан кўтарилаётганини куюниб таъкидлади: "Бизда ҳозирда миллатнинг қиёфасини енгил-елпи қўшиқлар билан танилган юлдузлару шоуменлар белгилайдиган бўлиб қолди. Шоир-ёзувчиларга ҳукумат томонидан ҳам, жамият томонидан ҳам эътибор сусайган. Биз ўзимизни кераксиздек ҳис қилиб яшаймиз. Жараён шу тахлит давом этса, миллатнинг эртанги қиёфаси қандай бўлади?"

Ижодкорнинг сўзлари мени ўйлантириб қўйди. Бизнинг мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ шоир-ёзувчиларга катта эътибор қаратилди. Улар зиёлиларнинг энг олд сафларида улуғланиб, мукофотланиб, ҳамиша эҳтиромда яшамоқдалар. Биргина мисол: шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан "Жаҳон адабиёти" журналининг ташкил этилишини адабиётга, ёш авлод маънавиятини янада бойитишга қаратилган юксак эътибор натижаси, дейиш мумкин. Юртбошимиз томонидан устоз Озод Шарафиддиновга кўрсатилган ғамхўрлик мисолида маърифат аҳлига қаратилган чуқур ҳурмат-эҳтиром намоён бўлди. Президентимизнинг ҳукумат йиғилишларида минбардан туриб Муҳаммад Юсуф шеърларини ибрат сифатида келтиришлари ҳам шоир-ёзувчилар ижодидан, ҳаётидан ҳамиша хабардорлик, эътибор ифодаси эмасми? Шунча эҳтиромга биз, ижод аҳли нима билан жавоб берoлдик? Бугун халқимизни ягона эзгу мақсад — ҳеч кимдан кам бўлмайдиган давлат барпо этишга сафарбар қила оладиган, ўғил-қизлар қалбида буюк аждодлардан фахрланиш ва уларга муносиб издош бўлиш ҳиссини жўш урдирадиган асарлар яратилдими? Кексаю ёш бирдек севиб ўқийдиган, қўлма-қўл бўлиб кетадиган, ҳеч йўқса, битта янги роман пайдо бўлдими? Афсуски, йўқ.

Президентимиз фикр-мулоҳазаларида ёш истеъдодларни топиш, уларни юзага чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим вазифа сифатида қайд этилади. Хусусан, ёш истеъдодларнинг илк китоби давлат томонидан чоп қилиниб, республикамизнинг барча

(Давоми 2-бетда).

*Сурхондарё:*

# БУНЁДКОРЛИК ВА САХОВАТ ЗАМИНИ



**Сурхондарёликлар муҳтарам Президентимизнинг Термиздаги, бундан салкам ўн саккиз йил аввалги мулоқотларини худди кечагидек эслайдилар.**

Ўшанда суҳбатлар самимий тус олди. Оддий инсонлар Юртбошимизга кўнгилларидаги гапларини айтдилар. Ўша йиллари воҳа бўйича табиий газ таъминоти 18 фоиздан, ичимлик суви 45-50 фоиздан ошмасди. Йўллар нобоп эди. Саноатни, қурилишни қўйинг, йилига 100 минг тонналаб сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб турган воҳада обод бозор ёки шинамгина чойхона топилмасди.

Инвестиция, инновацион технология деган сўзларни биринчи бор ўша гурунгларда эшитганмиз. Ҳатто, тадбиркорлик атамаси бизга янгилик бўлиб кўринган. Ишлаб чиқариш режалари эмас, одамлар тақдири ҳақида, уларнинг рўзғори, ҳаёт тарзи хусусида, шифохоналар, мактаблар, маданий-спорт муассасалари тўғрисида кўп гапирилди, бу гурунгларда.

Энди билсак, бу гаплар тамал тоши қўйилаётган иқтисодий ислоҳотларимизнинг қоралама-лойиҳалари бўлган экан.

Бу тамойилларнинг орадан кўп ўтмай амалга ошиб боргани, бошқача айтганда, мустақиллик ғояларининг кўз ўнгимизда бирин-кетин рўёбга чиқа бошлагани одамларимизнинг кучига куч, ишончига ишонч қўшди. Кўламлар кенгайди. Фикрлар тиниқлаша борди. Қамровлар ўсди. Меҳнат шунчаки кун кечириш воситаси эмас, фаровон ва бахтли яшаш омили мазмуни билан сайқаллашди. Тез орада бу ислоҳотлар ўз самарасини кўрсата бошлади. Жумладан, кунига 550 тонна ғаллани қайта ишлайдиган бош тегирмон — «Шўрчи дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти цехлари янги техника ва технологиялар билан жиҳозланди. Ун қадоқлаш халталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулот экспортга чиқарилди.

(Давоми 8-бетда).

***Навоий вилояти ғаллакорлари жорий йил 40 минг 600 гектар ғаллазорда мўл ҳосил етиштирдилар. Бугунгача қабул пунктларига қарийб юз минг тонна сара дон топшириб, зиммаларидаги шартномавий мажбуриятни ортиғи билан уддаладилар.***

# НАВОИЙНИНГ БАРАКАЛИ ХИРМОНИ

«Ғалла — 2009»

Етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олиш учун саксондан ортиқ замонавий комбайн, 371 та автомашина ва 464 та трактор тиркамаси жалб этилиб, улардан унумли фойдаланилди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳосилдорлик ўртача 46,6 центнерни ташкил этди. Вилоят ғалла хирмонига, айниқса, Қизилтепа, Хатирчи, Навбаҳор, Конимех ва Кармана туманлари деҳқонлари салмоқли улуш қўшдилар.

Қувонарли томони шундаки, жорий мавсумда "Половчанка", "Крошка", "Чиллаки" сингари вилоят иқлим шароитига мос, серҳосил ғалла навларидан етарли миқдорда уруғлик жамғарилди.

Айни кунларда далаларда ўрим-йиғим ишлари уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

**Р. САИДОВ.**

# Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Йилига – 2040 тонна

***Бўстонлиқ туманида фаолият юритаётган "OSBORN TEXTILE" хорижий корхонаси тўла қувват билан ишлай бошлади.***

Буюк Британиянинг "OSBORN TRADING LIMITED" компаниясининг 17 млн. АҚШ доллари миқдоридаги сармояси ҳисобига бунёд этилган ушбу корхона йилига 2040 тонна ип ва калава ип тайёрлаш қувватига эга. Йил бошидан буён бу ерда 4 млрд. сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг асосий қисми экспорт қилинди.

Июль ойидан бошлаб тўла қувват билан фаолият юритаётган корхонада 420 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

**Ю. ЁҚУБХОНОВ.**

## Модернизация самараси

***Модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш ҳисобига "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда маҳсулот ҳажми ва тури кўпаймоқда.***

Жумладан, яқинда "Тошкент ёғ-мой комбинати" қўшма корхонаси Италиянинг "MAZZONILB" фирмасидан атир ва хўжалик совунлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган энг замонавий технологик тизим сотиб олди. 12 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу линиянинг умумий қиймати 2 млн. 999 минг еврони ташкил этади.

Уюшма тизимидаги корхоналарда жорий йилда 25 хил турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, айни пайтга қадар улардан 14 тури ўзлаштирилди.

**Ф. КАЛОНОВ.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## Қурилиш материаллари ҳажми ошди

***2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида республикамизда қурилиш материаллари саноатида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши***

**122,9**



**фоизни ташкил этди.**

**Жойларда янги ишга туширилган, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари техник модернизация ва диверсификация қилинган корхоналар ҳисобига тармоқда шундай юқори ўсиш суръати таъминланди.**

Бу йил Зарбдор туманида кичик бизнес ва микрофирмалар ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 1 минг 276 та иш ўрни яратиш режалаштирилган эди.

## Кичик корхоналар иш бошлагач...

Ҳозирда бу борадаги ишлар кўнгилдагидек бормоқда. Масалан, яқинда ишга тушган "Зарбдор-ғишт" МЧЖга 45 нафар, "Зарбдороҳак" ва "Фронд Брик" кичик корхоналарига 50 нафар киши ишга жойлашди. Шу кунларда эса "Ўткир полвон" ҳамда "Жанговул" фермер хўжаликларида сутни қайта ишлаш ва макарон цехлари, шунингдек, туман ҳудудида 5 та иссиқхона барпо этилаётир. Улар иш бошлагач, яна ўнлаб иш ўринлари яратилади.

**Б. САТТОРОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## Табиий теридан – тайёр либослар

***Косонсойдаги иқтисодий жиҳатдан ночор "Касмир-Дери" қўшма корхонаси негизида "Tradewell international" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Покистонлик сармоядорлар бу ердаги ишлаб чиқариш қувватларини яна ҳаракатга келтирдилар.***

Корхона фаолияти қайта тикланганига эндигина уч ойдан ошганига қарамай, ўтган вақт ичида 50 минг донадан зиёд ошланган тери маҳсулотлари тайёрланиб, унинг 13 минг донаси экспортга чиқарилди. Бичиш-тикиш ва дизайн ускуналари ишга туширилиши билан табиий теридан эркаклар ва аёллар учун куртка, костюм, спорт кийимлари, сумка, камар, қўлқоп сингари халқ истеъмоли моллари тайёрлаш йўлга қўйилади. Уларнинг асосий қисми "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан экспорт қилинади.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббуси билан Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг шу йил 14 июнда Москва шаҳрида бўлиб ўтган сессияси якунларининг муҳокамаси бўлиб ўтди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

ОДКБ давлатлари раҳбарларининг саммити пайтида халқаро ривожланишнинг асосий тенденциялари муҳокама қилинди, Ташкилот фаолиятининг бўлғуси сессиялар оралиғидаги даврга мўлжалланган устувор йўналишлари белгилаб олинди. Учрашув якунлари бўйича Ўзбекистон ОДКБнинг жавобгарлиги зонасида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган бир қатор ҳужжатларни имзолади, Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилотининг Коллектив оператив ҳаракат кучлари (КСОР) ҳақидаги битим бундан мустаснодир. Мазкур ҳужжат бўйича мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг Алоҳида фикри баён этилди.

Депутатларнинг чиқишларида қайд этилдики, 1992 йилда Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Тошкент шартномаси имзоланган кундан эътиборан мамлакатимиз Ташкилотнинг ўзига нисбатан ҳам, ОДКБ Коллектив кучларининг мақоми тўғрисидаги масалага нисбатан ҳам принципиал позициясини белгилаб олган.

Депутатлар КСОР тўғрисидаги битим юзасидан Ўзбекистоннинг Алоҳида фикрини муҳокама этдилар. Хусусан, ушбу Алоҳида фикрда белгиланганки, "КСОР ОДКБга аъзо давлатларнинг хавфсизлигига бўладиган хатарлар ва таҳдидларга оператив муносабат билдириш, ташқи ҳарбий тажовузни қайтариш учун мўлжалланган бўлиши керак". Бунда "Коллектив кучлардан МДҲ ҳудудида ва ОДКБ давлатларида шу давлатлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ва қарама-қаршиликларни ҳал этиш учун ҳарбий куч сифатида фойдаланиш мумкин эмас".

Ушбу масала юзасидан "Адолат" социал-демократик партияси фракциясидан депутат И. Саифназаров сўз Коллектив кучларнинг мақсад ва вазифаларини ифодаловчи принципиал масалалар ҳақида ҳамда энг муҳими — КСОРнинг белгиланган мақсади ҳақида бораётганлигини таъкидлади. Коллектив оператив ҳаракат кучлари, парламент аъзоларининг фикрига кўра, фақат ташқи тажовузни ва четдан бўладиган аралашувни қайтариш учун жалб этилиши ва қўлланилиши лозим. Бугунги кунда МДҲ мамлакатлари ҳудудида "музлатилган" деб аталувчи бир қатор можаролар мавжуд бўлиб, улар фақат сиёсий воситалар билан ҳал этилиши керак. Шу сабабли уларни ҳал этиш учун КСОРни қўлланишнинг ҳар қандай имкониятини истисно этиш керак бўлади, дея қайд этди ўз нутқида депутат. Ўзбекистонда шунга асосланадиларки, дея таъкидлади депутат, ОДКБга иштирокчи мамлакатларнинг ҳар бири ўзининг ички зиддиятлари ва қарама-қаршиликларини четдан қуролли кучларни жалб этмасдан ҳал қилишга қодир.

Парламент аъзолари мазкур масала бўйича Ўзбекистоннинг бошқа принципиал позицияси ҳақида ҳам фикр билдирдилар, унинг моҳияти КСОР контингентларини жойлаштириш ва қўллаш юзасидан қарор қабул қилиш чоғида консенсус принципига риоя этиш зарурлигидан иборат.

Халқ демократик партиясининг парламентдаги фракцияси аъзоси депутат Л. Ғуломовнинг фикрича, КСОРни жойлаштириш ва қўллашга доир қарор Коллектив хавфсизлик кенгаши томонидан фақат консенсус асосида қабул қилиниши керак. ОДКБ айрим давлатларининг Коллектив кучларни қўллашга доир қарор "Ушбу битим ўзига нисбатан кучга кирган Томонларнинг розилиги билан" қабул қилиниши тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон томони учун мутлақо номақбулдир, чунки айнан шундай бўлган тақдирда "консенсус" принципи бузилади, дея таъкидлади депутат.

КСОР тўғрисидаги битимнинг мазкур банди, бир қатор депутатларнинг фикрича, ОДКБ Уставига тубдан зид бўлиб, унинг 12-моддасида белгилаб қўйилганки, "Коллектив хавфсизлик кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Мудофаа вазирлари кенгаши ва Хавфсизлик кенгашлари котиблари қўмитасининг тартиб-таомил масалаларидан ташқари қарорлари консенсус асосида қабул қилинади".

Сўзга чиққан депутатлар таъкидладиларки, КСОРнинг ташкил этилиши ҳар бир мамлакат суверенитетининг энг муҳим элементларига, хавфсизлик масалаларини тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларининг бутун бир туркумига дахл қилади. Шу муносабат билан ОДКБга аъзо давлат КСОР таркибига киритилган ўз контингентини жўнатиши, шунингдек, ОДКБга аъзо бошқа давлатларнинг ҳарбий контингентларини ўз ҳудудига, фақат бу унинг миллий қонунчилигига зид бўлмаган тақдирдагина киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинлиги ҳақидаги Ўзбекистоннинг позицияси мутлақо тўғридир. Ушбу масала юзасидан Москва саммити пайтида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан баён этилган қоида халқаро ҳуқуқ принципларидан ва миллий қонун ҳужжатлари нормаларидан келиб чиқади, дея таъкидладилар депутатлар.

КСОР тўғрисидаги битим юзасидан Ўзбекистоннинг Алоҳида фикри қоидаларини шарҳлар экан, депутат А. Саидов қайд этдики, "Биз, шунингдек, КСОР тўғрисидаги битимнинг у имзоланган кундан эътиборан, яъни миллий парламент томонидан ушбу ҳужжатни тасдиқлаш бўйича ички давлат тартиб-таомиллари ўтказилгунга қадар вақтинча қўлланилиши имкониятини берувчи қоидасига розилик бера олмаймиз. Бу ҳолда ҳужжатни ратификация қилишнинг амалий мақсадга мувофиқлиги бой берилади, шундай битимларни ратификация ва денонсация қилиш мутлақ ваколатига тааллуқли бўлган парламентимизнинг фикри батамом инкор этилади".

Ўзбекистон Конституциясига кўра, дея таъкидлади депутат, республикамизнинг халқаро шартномаларни ратификация қилиши Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, мамлакат мудофаа қобилиятига дахлдор масалалар бўйича шартномалар парламентда албатта ратификация қилиниши шарт.

Депутатлар алоҳида таъкидладиларки, Ўзбекистон Раҳбариятининг ОДКБ саммитидаги позицияси чет мамлакатлар сиёсий ва эксперт-таҳлилчи доиралари ўртасида кенг акс садо берди ва қўллаб-қувватланди.

Сўзга чиққанлар ОДКБ КСОР тўғрисидаги битим юзасидан Ўзбекистоннинг принципиал позициясини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар ва ташкилот доирасида қарорлар қабул қилиш чоғида ОДКБнинг Устави ва асосий ҳужжатларининг, Ташкилотга кирувчи мамлакатлар миллий қонун ҳужжатларининг талабларига оғишмай риоя этиш зарурлигини, уларни инкор этиш ОДКБ ичида қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликлар юзага келиши учун замин яратиши мумкинлигини таъкидладилар.

Мажлис якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

**(ЎзА).**

# ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

таълим масканларига етказилиши борасидаги таклифлар, шак-шубҳасиз, чинакам истеъдод соҳибларини рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Юртбошимиз "ялт этган истеъдодга муносиб баҳо берилмаса, уни ижодий ишдан совитиб, қобилиятини сўндириб қўйиш ҳеч гап эмас"лигини алоҳида таъкидлайдилар. Асл иқтидор эгаларини топиш зарууратини қайта-қайта уқтириб ўтадиларки, бунинг замирида адабиёт ва миллат келажаги ҳақида уйғоқ фикр-мулоҳазалар мужассам эканлиги яққол англаниб туради. Биз ана шу англаганларимиз асосида фаолиятимизни қайта кўриб чиқиб, янги куч-ғайрат, янги мезонлар билан ишга жиддий киришишимиз муҳимлигини юракдан ҳис этдик.

Яна бир устувор вазифа — "Ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларига эга бўлишига эришиш" масаласи ҳам ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган шиддатли замон тақозоси эканлиги ижод аҳлини кенгроқ ўйлашга даъват этади.

Биз Юртбошимиз куюнчаклик ва ижод аҳлига самимий ишонч билан билдирган фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қадрини ва қаддини тиклаш, ўқувчилар онги ва қалбига етиб борадиган сара асарлар яратишга жиддий эътибор қаратиш, ижодкорларни рағбатлантириб бориш, чинакам истеъдодларни топиш ва рўёбга чиқариш вазифаларини сидқидилдан бажаришга қатъий бел боғладик. Олий даражадаги эътибор бир имконимизга минг имкон, юрагимизга шижоат бағишлади. Бу юксак муносабатга амалий ишлар билан, албатта, сара асарлар яратиб жавоб беришга астойдил интиламиз.

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари.**

# ТАДБИРКОР — ҲАР ЖАБҲАДА ОМИЛКОР

***Андижон туманидаги "Руббер Траст" хусусий корхонаси дастлаб уч-тўрт киши билан иш бошлаган эди. Ҳозирги кунга келиб, 350 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада ичи юмшоқ ва пишиқ, нархи анча арзон бўлган калиш ишлаб чиқарилаяпти. Энг муҳими, бу ерда тайёрланган маҳсулотлар тез орада ўз харидорларини топиб улгурди. Ваҳоланки, илгари бу хилдаги оёқ кийими хориждан импорт қилинар эди.***

Айни пайтда корхона маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда. Шу боис бу ерда яқин кунларда янги линиянинг ишга туширилиши режалаштирилаяпти.

**Ибрат**

— Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида биз, тадбиркорларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилди, — дейди корхона раҳбари Абдулҳошим Исмоилов. — Шундай экан, юртимизнинг иқтисодий қудратини янада оширишда, хизмат турларини кўпайтиришда ўзимизни масъул, деб билишимиз керак.

Дарҳақиқат, ушбу соҳанинг жадал ривожланиши республикамизда ўзини ҳам, юртини ҳам бой қилишга чоғланган мулкдорлар сафини кенгайтираяпти. Масалан, тумандаги "Усмонҳожи" фермер хўжалиги хориж сармоядорлари билан алоқа ўрнатиб, уч гектар ерда Хитой технологияси асосида иссиқхона ташкил этди. Кўп ўтмай, иссиқхонада етиштирилган маҳсулотларни қайта ишловчи "Усмонҳожи-Делисин" қўшма корхонасига асос солинди.

Бугун аҳоли уй-жой қуришда замонавийликка интилмоқда. Бунинг натижасида шаҳару қишлоқларимизда пишиқ ғиштдан кўркам уй-жойлар барпо этилаётир. Бу эса, ўз навбатида, пишиқ ғиштга бўлган талабни тобора оширмоқда. Натижада жойларда ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги-янги корхоналар ташкил этилмоқда. Шу маънода, тумандаги "А. Тўрахўжаев", "Адемонт элит", "Ан ПГС" хусусий корхоналарида пишиқ ғишт ишлаб чиқарилаётгани аҳоли учун айни муддао бўлди.

Табиийки, бундай корхоналарнинг кўпайиши маҳаллий бюджетни қўшимча даромад билан тўлдириш имконини беради. Биргина юқорида номи келтирилган уч корхонанинг ғишт ишлаб чиқариши эвазига ўтган йили 110 миллион сўм миқдоридаги маблағ бюджетга келиб тушгани бунинг яққол далилидир.

Бундан ташқари, айни пайтда тумандаги "Гулсум" хусусий корхонасида гўшт ишлаб чиқариш цехи, "Техно инноватор" ҳамда "Ўзметертеч" корхоналарида асакалик автомобилсозларга бутловчи қисмлар етказиб бериш, "Ўзбек Спай Сек Анд" корхонасида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш линиясини ишга тушириш борасида ҳаракатлар бошланган.

Эътиборлиси, бундай ижобий ўзгаришларга дунё миқёсида кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида эришилаяпти. Зеро, бу жойларда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасидир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органлари ахборот тизимларининг интеграциялашган тармоғини яратиш ва идоралараро электрон ҳужжат алмашувини жорий этиш, Тошкент вилояти ҳокимлиги, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси тизимида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантириш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорларининг ижроси тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Мажлисда Комплекс таркибига кирувчи идораларда ижро интизомининг аҳволи алоҳида таҳлил этилиб, жойларда бу борада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш ҳамда ижро интизомини таъминлашда раҳбарлар ҳамда мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# ЙЎЛЛАНМАЛАР КАФОЛАТИ

***Кеча Янгийўл технология-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси нафақат ўқувчилар, балки ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари, турли ташкилот ва муассасалар ҳамда "Камолот" ЁИҲ вакиллари, вилоят ва шаҳардаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимига дахлдор мутахассислар билан тўлди.***

Шу куни бу таълим даргоҳида битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу йил коллежни 253 нафар ўқувчи тамомлади. Уларнинг тўрт нафарига имтиёзли диплом топширилди.

— Энг муҳими, битирувчиларимизнинг бирортаси ишсиз қолмайди, — дейди коллеж директори Одилжон Ўринбоев. — Ёшларга шаҳар ва тумандаги корхонаю ташкилотлар билан олдиндан тузилган шартномалар бўйича йўлланмалар берилган. Бу йўлланмалар уларга кўрсатилган манзилда эркин ва ҳеч қандай монеликсиз ишлаш кафолатини беради.

Шу куни Янгийўл туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг илк битирувчиларига ҳам дипломлар топширилди. Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида беқиёс имкониятлар яратилаётганини алоҳида таъкидлашди. Уч йил муқаддам ташкил этилган ушбу коллеж ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.




**СУРАТДА:** диплом топшириш маросимидан лавҳа. **Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИЛДАМ ОДИМЛАРИ

***Деҳқонобод қўрғонида икки ярим минг аҳоли истиқомат қилади. Фермерлик, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес дейсизми, истиқболга хизмат қиладиган неки ҳаракат бор, бари бу ерда қизғин тус олмоқда.***

— Ўтган йили олинган 18 миллион сўм соф фойдадан 3,5 миллион сўмини маҳалла ободончилигига ажратдим, — дейди "Бахт макони" фермер хўжалиги раҳбари Исроил Мажитов. — Маблағнинг маълум қисми болалар спорти ривожига ва кам таъминланган оилалар ҳимоясига сарф этилди.

Маҳаллада бундай ҳиммати баланд фермерлар кўп. Жумладан, Султон Асатов, Толиб Қодиров, Нусрат Очилов, Маъди Ҳакимов сингари саховатпешалар бу каби хайрли тадбирларга ҳар йили маълум миқдорда маблағ ажратиб келмоқдалар. Шу ўринда фермер Шуҳрат Шариповнинг олижаноблигини алоҳида таъкидламоқ лозим. У кўп болали оила раҳбари Бахтиёр Фозиловга янги уй-жой қуриб бериш ташаббускори бўлди. Эътиборлиси, бу савобли ишни фермер уч ойда ниҳоясига етказди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Мав-

**Интилиш**

жуда Шарипова бошчилигида фаоллар ҳудуддаги ҳар бир ишга бош-қош. Одамларни ҳушёр, меҳр-оқибатли, инсоф-диёнатли бўлишга, эл-юрт иши учун ҳамиша жон куйдиришга даъват этиб келишади. Яқинда тадбиркор Раҳим Бўронов ўн беш минг товуққа мўлжалланган ускуналарни харид қилиб, уларни ўрнатиш ишларини ниҳоясига етказди. Натижада маҳалланинг ўн беш нафар вакили ишли бўлди.

— Шукр. Бундай эзгу амаллар бизда бардавом, — дейди Мавжуда Шарипова. — Тадбиркор Фаёз Низомов Қозоғистон Республикасидан 85 бош зотли қорамол олиб келди. У яқин йилларда туёқлар сонини 350 бошга етказиб, аҳолини сифатли ва арзон гўшт ҳамда сут маҳсулотлари билан таъминлашни ният қилган.

Дарвоқе, қўли гул уста Абдурасул Бақоев куни кеча машина-механизмларни таъмирлайдиган кўп тармоқли устахонани ишга туширди. Айни пайтда бу ерда қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлаш, пайвандлаш сингари юмушлар тез ва сифатли қилиб бажарилмоқда.

Хуллас, қишлоқда яшаётган янги замон одамларининг шашти, иштиёқи, орзу-умидлари ниҳоятда юксак. Зеро, юртни обод, хонадонларни файзу тароватли қилмоқ — қалби пок, сахий, мард инсонларга хос фазилат.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 7 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1179,97 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2419,18 |
| 1 Дания кронаси | 278,75 |
| 1 БАА дирҳами | 404,34 |
| 1 АҚШ доллари | 1484,98 |
| 1 Миср фунти | 265,93 |
| 1 Исландия кронаси | 11,75 |
| 1 Канада доллари | 1278,61 |
| 1 Хитой юани | 217,34 |
| 1 Малайзия ринггити | 420,44 |
| 1 Польша злотийси | 477,44 |
| 1 СДР | 2297,13 |
| 1 Туркия лираси | 967,35 |
| 1 Швейцария франки | 1366,38 |
| 1 евро | 2075,11 |
| 10 Жанубий Корея вони | 11,72 |
| 10 Япония иенаси | 155,46 |
| 1 Россия рубли | 47,52 |
| 1 Украина гривнаси | 194,50 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ЛАФЗ — ОР-НОМУС ДЕМАК

***"Олис йўл отни синар, оғир йўл мардни синар", дейдилар. Аммо Собир Раҳимов туманидаги 33-оилавий поликлиника билан "Дилшод-Дента" масъулияти чекланган жамияти ўртасидаги синов унча олисга чўзилмади. Аслида бу иккала субъект ўртасида 2007 йил 1 январда ижара шартномаси тузилган. Шартномага кўра, оилавий поликлиника мазкур тумандаги Калонов кўчаси, 1-уй манзили бўйича 248,9 кв.метр жойни МЧЖга ижарага беради.***

Шартноманинг муайян бандларига асосан, ижара ҳақи бир йил учун 1182315,52 сўм деб белгиланган ва ижарачи зиммасига ижара ҳақини ҳар ойнинг бешинчи кунигача тўлаши юклатилган.

Вақт — энг одил ҳакам. Орадан бир йил ўтмай, икки томон ўртасидан "ола мушук" ўтади, муросага келишолмайдилар. Алал-оқибат, оилавий поликлиника аҳли иккинчи томонни шартнома шартларини бажармаганликда айблаб, судга беради. Тошкент шаҳар хўжалик судининг қилни қирқ ёрувчи судьялари вазиятни, иш материалларини обдан ўрганишди. Гарчанд жавобгар вакиллари суддан даъво талабларини рад этишни сўраган бўлса-да, иш ҳужжатларида келтирилган далиллар уларнинг бу илтимосномасини чиппакка чиқарди. Ўрганиш хулосаларига кўра, даъво талаблари тўла қондириладиган ва ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатлари жавобгарга юкланадиган бўлди. Негаки, шартнома шартлари жавобгар томонидан лозим даражада бажарилмаганлиги иш ҳужжатлари асосида ўз тасдиғини топди.

Аслида шартномада ижарачининг фойдаланиш муддати 01.01.2007 йилдан 31.12.2007 йилгача деб белгиланган. Вақт

**Қонун барчага баробар**

дегани югурик сувдай гап. Бир йил кўз очиб юмгунча ўтди-кетди. Шу туфайли жавобгар томон даъвогарга ижара муддатини узайтириш ҳақида хат билан чиқади. Аммо даъвогар бунга розилик бермайди. Бундан ташқари, даъвогар 2008 йил 27 февралда жавобгарга 40-рақамли хат юбориб, беш кунлик муддат ичида эгаллаб турган жойини бўшатиб қўйишни талаб қилади. Жавобгарнинг эса "иссиқ жой"дан чиққиси келмайди.

"Ижара тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси 1-қисмига кўра, ижара шартномаси муддати тугагандан кейин ҳам ижарачи ижарага олинган мулкдан амалда фойдаланишни давом эттираверса ҳамда ижарага берувчи ижара шартномаси муддати тугагунига қадар бунга ҳеч қандай эътироз билдирмаган ва шартномада ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда шартнома худди шу муддатга давом эттирилган ҳисобланади. Амалда эса ундай бўлмаган ва аксинча, шартнома муддати тугаши билан бинони бўшатиш сўралган.

Хуллас, ижара шартномаси муддати тугайди. Даъвогар уни узайтиришга рози эмас. Демак, табиийки, шартнома ҳам ўз юридик кучини йўқотган. Оилавий поликлиника эса мустақил юридик шахсдир. Ўз балансида бўлганлиги боис бино унинг мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси(ФК)нинг 166-моддасига асосан, мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади. Мулкдорнинг мол-мулкини олиб қўйишга, шунингдек, унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

— Қонунларимизнинг адолатлилиги шундаки, — дейди Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси ўринбосари Қобилжон Ҳамроев, — ҳар қандай ҳолатда инсон қадрини ва унга дахлдор манфаатларни ҳимоялашга тўла қодирдир. Юқоридаги ҳолатда ҳам даъвогар (мулкдор) ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақлидир.

Дарҳақиқат, судья С. Худойбердиев раислигида ўтган Тошкент шаҳар хўжалик суди мажлиси даъвогарнинг фойдасини кўзлаб қарор чиқарди. Яъни жавобгар — "Дилшод-Дента" масъулияти чекланган жамияти бинодан мажбурий равишда кўчириб юбориладиган бўлди. Бундан ташқари, МЧЖ қўшимча равишда давлат божи ва яна почта харажатларини ҳам тўлашга мажбурдир.

Одамнинг кўрки ва безаги лафздир. Лафзсизлар эса адолатли қонунларимизнинг кескир тиғига мубтало бўлаверади.

**Алишер БОЛИЕВ.**

| № | Сертификат рақами | Ютуқ миқдори (сўм) |
|---|---|---|
| 8163 | 1556393 | 5000 |
| 8164 | 1556593 | 5000 |
| 8165 | 1556793 | 5000 |
| 8166 | 1556993 | 5000 |
| 8167 | 1557193 | 5000 |
| 8168 | 1557393 | 5000 |
| 8169 | 1557593 | 5000 |
| 8170 | 1557793 | 5000 |
| 8171 | 1557993 | 5000 |
| 8172 | 1558193 | 5000 |
| 8173 | 1558393 | 5000 |
| 8174 | 1558593 | 5000 |
| 8175 | 1558793 | 5000 |
| 8176 | 1558993 | 5000 |
| 8177 | 1559193 | 5000 |
| 8178 | 1559248 | 5000 |
| 8179 | 1559393 | 5000 |
| 8180 | 1559593 | 5000 |
| 8181 | 1559793 | 5000 |
| 8182 | 1559993 | 5000 |
| 8183 | 1560193 | 5000 |
| 8184 | 1560393 | 5000 |
| 8185 | 1560593 | 5000 |
| 8186 | 1560793 | 5000 |
| 8187 | 1560993 | 5000 |
| 8188 | 1561193 | 5000 |
| 8189 | 1561393 | 5000 |
| 8190 | 1561593 | 5000 |
| 8191 | 1561793 | 5000 |
| 8192 | 1561993 | 5000 |
| 8193 | 1562193 | 5000 |
| 8194 | 1562393 | 5000 |
| 8195 | 1562593 | 5000 |
| 8196 | 1562793 | 5000 |
| 8197 | 1562993 | 5000 |
| 8198 | 1563193 | 5000 |
| 8199 | 1563393 | 5000 |
| 8200 | 1563593 | 5000 |
| 8201 | 1563793 | 5000 |
| 8202 | 1563993 | 5000 |
| 8203 | 1564193 | 5000 |
| 8204 | 1564393 | 5000 |
| 8205 | 1564593 | 5000 |
| 8206 | 1564793 | 5000 |
| 8207 | 1564993 | 5000 |
| 8208 | 1565193 | 5000 |
| 8209 | 1565393 | 5000 |
| 8210 | 1565593 | 5000 |
| 8211 | 1565648 | 5000 |
| 8212 | 1565793 | 5000 |
| 8213 | 1565993 | 5000 |
| 8214 | 1566193 | 5000 |
| 8215 | 1566393 | 5000 |
| 8216 | 1566593 | 5000 |
| 8217 | 1566793 | 5000 |
| 8218 | 1566993 | 5000 |
| 8219 | 1567193 | 5000 |
| 8220 | 1567393 | 5000 |
| 8221 | 1567593 | 5000 |
| 8222 | 1567793 | 5000 |
| 8223 | 1567993 | 5000 |
| 8224 | 1568193 | 5000 |
| 8225 | 1568393 | 5000 |
| 8226 | 1568593 | 5000 |
| 8227 | 1568793 | 5000 |
| 8228 | 1568993 | 5000 |
| 8229 | 1569193 | 5000 |
| 8230 | 1569393 | 5000 |
| 8231 | 1569593 | 5000 |
| 8232 | 1569793 | 5000 |
| 8233 | 1569993 | 5000 |
| 8234 | 1570193 | 5000 |
| 8235 | 1570393 | 5000 |
| 8236 | 1570593 | 5000 |
| 8237 | 1570793 | 5000 |
| 8238 | 1570993 | 5000 |
| 8239 | 1571193 | 5000 |
| 8240 | 1571393 | 5000 |
| 8241 | 1571593 | 5000 |
| 8242 | 1571793 | 5000 |
| 8243 | 1571993 | 5000 |
| 8244 | 1572048 | 5000 |
| 8245 | 1572193 | 5000 |
| 8246 | 1572251 | 10000 |
| 8247 | 1572393 | 5000 |
| 8248 | 1572593 | 5000 |
| 8249 | 1572793 | 5000 |
| 8250 | 1572993 | 5000 |
| 8251 | 1573193 | 5000 |
| 8252 | 1573393 | 5000 |
| 8253 | 1573593 | 5000 |
| 8254 | 1573793 | 5000 |
| 8255 | 1573993 | 5000 |
| 8256 | 1574193 | 5000 |
| 8257 | 1574393 | 5000 |
| 8258 | 1574593 | 5000 |
| 8259 | 1574793 | 5000 |
| 8260 | 1574993 | 5000 |
| 8261 | 1575193 | 5000 |
| 8262 | 1575393 | 5000 |
| 8263 | 1575593 | 5000 |
| 8264 | 1575793 | 5000 |
| 8265 | 1575993 | 5000 |
| 8266 | 1576193 | 5000 |
| 8267 | 1576393 | 5000 |
| 8268 | 1576593 | 5000 |
| 8269 | 1576793 | 5000 |
| 8270 | 1576993 | 5000 |
| 8271 | 1577193 | 5000 |
| 8272 | 1577393 | 5000 |
| 8273 | 1577593 | 5000 |
| 8274 | 1577793 | 5000 |
| 8275 | 1577993 | 5000 |
| 8276 | 1578193 | 5000 |
| 8277 | 1578393 | 5000 |
| 8278 | 1578448 | 5000 |
| 8279 | 1578593 | 5000 |
| 8280 | 1578793 | 5000 |
| 8281 | 1578993 | 5000 |
| 8282 | 1579193 | 5000 |
| 8283 | 1579393 | 5000 |
| 8284 | 1579593 | 5000 |
| 8285 | 1579793 | 5000 |
| 8286 | 1579993 | 5000 |
| 8287 | 1580193 | 5000 |
| 8288 | 1580393 | 5000 |
| 8289 | 1580593 | 5000 |
| 8290 | 1580793 | 5000 |
| 8291 | 1580993 | 5000 |
| 8292 | 1581193 | 5000 |
| 8293 | 1581393 | 5000 |
| 8294 | 1581593 | 5000 |
| 8295 | 1581793 | 5000 |
| 8296 | 1581993 | 5000 |
| 8297 | 1582193 | 5000 |
| 8298 | 1582393 | 5000 |
| 8299 | 1582593 | 5000 |
| 8300 | 1582793 | 5000 |
| 8301 | 1582993 | 5000 |
| 8302 | 1583193 | 5000 |
| 8303 | 1583309 | 10000 |
| 8304 | 1583393 | 5000 |
| 8305 | 1583593 | 5000 |
| 8306 | 1583793 | 5000 |
| 8307 | 1583993 | 5000 |
| 8308 | 1584193 | 5000 |
| 8309 | 1584393 | 5000 |
| 8310 | 1584593 | 5000 |
| 8311 | 1584793 | 5000 |
| 8312 | 1584848 | 5000 |
| 8313 | 1584993 | 5000 |
| 8314 | 1585193 | 5000 |
| 8315 | 1585393 | 5000 |
| 8316 | 1585593 | 5000 |
| 8317 | 1585793 | 5000 |
| 8318 | 1585993 | 5000 |
| 8319 | 1586193 | 5000 |
| 8320 | 1586393 | 5000 |
| 8321 | 1586593 | 5000 |
| 8322 | 1586793 | 5000 |
| 8323 | 1586993 | 5000 |
| 8324 | 1587193 | 5000 |
| 8325 | 1587393 | 5000 |
| 8326 | 1587593 | 5000 |
| 8327 | 1587793 | 5000 |
| 8328 | 1587993 | 5000 |
| 8329 | 1588193 | 5000 |
| 8330 | 1588393 | 5000 |
| 8331 | 1588593 | 5000 |
| 8332 | 1588793 | 5000 |
| 8333 | 1588993 | 5000 |
| 8334 | 1589193 | 5000 |
| 8335 | 1589393 | 5000 |
| 8336 | 1589593 | 5000 |
| 8337 | 1589793 | 5000 |
| 8338 | 1589993 | 5000 |
| 8339 | 1590193 | 5000 |
| 8340 | 1590393 | 5000 |
| 8341 | 1590593 | 5000 |
| 8342 | 1590793 | 5000 |
| 8343 | 1590993 | 5000 |
| 8344 | 1591193 | 5000 |
| 8345 | 1591248 | 5000 |
| 8346 | 1591393 | 5000 |
| 8347 | 1591593 | 5000 |
| 8348 | 1591793 | 5000 |
| 8349 | 1591993 | 5000 |
| 8350 | 1592193 | 5000 |
| 8351 | 1592393 | 5000 |
| 8352 | 1592593 | 5000 |
| 8353 | 1592793 | 5000 |
| 8354 | 1592993 | 5000 |
| 8355 | 1593193 | 5000 |
| 8356 | 1593393 | 5000 |
| 8357 | 1593593 | 5000 |
| 8358 | 1593793 | 5000 |
| 8359 | 1593993 | 5000 |
| 8360 | 1594193 | 5000 |
| 8361 | 1594393 | 5000 |
| 8362 | 1594593 | 5000 |
| 8363 | 1594793 | 5000 |
| 8364 | 1594993 | 5000 |
| 8365 | 1595193 | 5000 |
| 8366 | 1595393 | 5000 |
| 8367 | 1595593 | 5000 |
| 8368 | 1595793 | 5000 |
| 8369 | 1595993 | 5000 |
| 8370 | 1596193 | 5000 |
| 8371 | 1596393 | 5000 |
| 8372 | 1596593 | 5000 |
| 8373 | 1596793 | 5000 |
| 8374 | 1596993 | 5000 |
| 8375 | 1597193 | 5000 |
| 8376 | 1597393 | 5000 |
| 8377 | 1597593 | 5000 |
| 8378 | 1597648 | 5000 |
| 8379 | 1597793 | 5000 |
| 8380 | 1597993 | 5000 |
| 8381 | 1598193 | 5000 |
| 8382 | 1598393 | 5000 |
| 8383 | 1598593 | 5000 |
| 8384 | 1598793 | 5000 |
| 8385 | 1598993 | 5000 |
| 8386 | 1599193 | 5000 |
| 8387 | 1599393 | 5000 |
| 8388 | 1599593 | 5000 |
| 8389 | 1599793 | 5000 |
| 8390 | 1599993 | 5000 |

**Ҳайъат раиси — Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари** **Б. М. Боқиев**

**Масъул котиб — Халқ банки бошқарувининг Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари** **М. Ж. Саидов**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Назорат ўрнатилди

***Хитой шимоли-ғарбида оммавий тартибсизликлар бўлиб ўтди.***

Бу ҳақда “Синьхуа” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Урумчи шаҳри кўчаларида юз берган кўнгилсизликлар оқибатида 140 киши ҳалок бўлган, 816 киши тан жароҳати олган. Бундан ташқари, дўконлар талон-торож қилинган, автоуловларга ўт қўйиб юборилган.

Сўнгги хабарларга кўра, айни пайтга келиб шаҳарда назорат ўрнатилган. Полиция тартибсизликларда иштирок этганлардан бир неча юз нафарини ҳибсга олган. Жанжал хан ва уйғур миллати ўртасида юзага келган келишмовчиликдан бошлангани айтилмоқда.

### Хунрезлик оқибати

***Филиппиннинг Котабато шаҳридаги черковлардан бирида портлаш содир этилди, дея хабар тарқатди “France Presse” ахборот агентлиги.***



Қўлбола портловчи қурилманинг ҳаракатга келтирилиши натижасида воқеа жойида 5 киши ҳаётдан кўз юмган, 34 нафарга яқин одам шикастланган. Гувоҳларнинг таъкидлашича, яраланганларнинг аксариятини аёллар ва болалар ташкил қилади. Мазкур қабиҳликда алоқаси борликда гумон қилиниб, бир киши ҳибсга олинган.

Тахминларга кўра, кўпорувчилик ҳаракати маҳаллий жиноий тўда томонидан амалга оширилган бўлиши мумкин.

### Вьетнамда сув тошқинлари

***Вьетнам шимолида тинимсиз ёққан ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди.***

“Reuters” ахборот агентлиги хабарида айтилишича, тўрт кундан буён давом этаётган табиий офат аҳоли учун қатор қийинчиликларни туғдирмоқда. Кўплаб одамлар ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлаяптилар. Ачинарлиси, қурбонлар ҳам бор. Жумладан, ҳозирга қадар 22 киши ҳалок бўлган, 14 киши бедарак йўқолган. Сув тошқинлари экин майдонларига ҳам жиддий талафот етказган.

### Рўйхатдан ўтолмади

***Венесуэла ҳукумати мамлакатда фаолият кўрсатаётган 240 та радиостанцияни ёпишга қарор қилган.***

Мамлакат телекоммуникация тизимини тартибга солиш агентлиги раҳбари Диосдадо Кабельонинг изоҳлашича, мазкур радиостанцияларнинг лицензия олиш учун топширган ҳужжатларида камчиликлар бўлгани боис қайта рўйхатдан ўта олмаган. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, жорий йилнинг июнь ойида бу ердаги барча телеканал ва радиостанцияларнинг қайта рўйхатдан ўтказилиши маълум қилинганди. Бу жараён июль ойи охирларигача давом этади.

Ҳозир Венесуэлада олтита давлат телеканали, 600 га яқин радиостанция ҳамда 72 та маҳаллий телеканал фаолият кўрсатмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

### ишлаб чиқариш суръатларининг ошишида муҳим омил бўлмоқда

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида бугун иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хусусан, енгил саноат ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Бунда, айниқса, юртимизда хорижлик ҳамкорлар учун яратилган қулай инвестицион муҳит муҳим аҳамият касб этаяпти.***

Зотан, мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларимизда чет эллик инвесторлар иштирокида замонавий ускуналар билан жиҳозланган кўплаб янги корхоналар ишга туширилди, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланди. Бундай саъй-ҳаракатлар эса ўзимизда етиштирилган пахта хом ашёсини шу ернинг ўзида қайта ишлаш, четга тайёр маҳсулот сифатида сотиш имкониятини кенгайтирди. Боғот туманидаги “Bagat tekstil ЛТД” Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.

Германияда ишлаб чиқарилган замонавий ип-йигирув ускуналари билан жиҳозланган ушбу корхона 2005 йилнинг февраль ойида ўз фаолиятини бошлаган бўлса, ўша йилнинг апрель ойидаёқ илк маҳсулотини ички бозорга, май ойида эса экспортга чиқарди.

**Жараён**

Таъкидлаш жоизки, корхона жамоаси асосий эътиборни маҳсулотнинг сифатига қаратганлиги туфайли, ютуқлар салмоғи тобора ортиб борди. Ўтган йили пахта хом ашёсидан икки минг тоннадан ортиқроқ харидоргир калава ип ишлаб чиқарилгани, унинг аксарияти хорижга сотилгани шундан далолатдир.

Ҳозирги пайтда корхонада 236 нафар киши меҳнат қилаяпти. Қувонарлиси, уларнинг 90 фоизини маҳаллий ёшлар ташкил этади.

— Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида “Маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катта ва кичик лойиҳаларни излаш, бунинг учун зарур маблағ ва манбаларни топиш — бу ҳар бир корхона раҳбари ва муҳандис-техник ходимларининг биринчи навбатдаги, энг муҳим вазифаси ва мажбурияти бўлмоғи керак”, дея алоҳида таъкидлаган эди, — дейди қўшма корхона директори Умидбек Қаюмов. — Шу мақсадда ўтган йили корхонамизга 250 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиб, Чехия давлатидан замонавий ип-йигирув дастгоҳлари келтириб ўрнатдик. Жорий йилнинг иккинчи ярмида ҳам янги ускуналар сотиб олиш учун яна 750 минг АҚШ долларилик инвестиция жалб этишни мўлжаллаб турибмиз. Ана шу режа амалга оширилса, корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати 20 фоизга ортиши баробарида, маҳсулот сифати ҳам янада яхшиланади. Муҳими, қўшимча 25 та иш ўрни яратилади.

Корхонада ҳозиргача ишлаб чиқарилган 1026,9 минг АҚШ долларилик калава ип Туркия ва Россия сингари давлатларга экспорт қилинди. Жорий йил охиригача бу ерда 5 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Корхона маҳсулотининг харидоргир бўлишида жамоанинг мижозлар талабидан келиб чиқиб иш юритаётгани ўз самарасини бераётир. Бу эса, ўз навбатида, корхонанинг барқарор ишлашини таъминлаш, унинг тўқимачилик бозоридаги обрўсини ошириш, ишчи-ходимларнинг даромадларини кўпайтиришда асосий омил бўлмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Бекобод шаҳрининг “Зафар” маҳалласида яшовчи тадбиркор Дилдора Баратова кўплаб қиз-жувонларни иш билан таъминлаб келмоқда.*

**Ислоҳот**

## КАСАНАЧИЛИК — РЎЗҒОР ТАЯНЧИ

— “Ўзметкомбинат” бирлашмаси билан касаначи сифатида ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди Д. Баратова. — Президентимизнинг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони биз, хотин-қизлар учун айни муддао бўлди. Негаки, бу ҳужжат нафақат корхоналар фаолиятини яхшилашга хизмат қилаяпти, балки аёлларни фойдали меҳнатга тортишда ҳам муҳим аҳамият касб этаяпти. Масалан, дастлаб етмиш беш киши билан иш бошлаган бўлсак, ҳозирга келиб, уларнинг сони икки баробарга кўпайди.

Айни пайтда касаначилар бирлашма ишчиларига ойига 500-550 комплект иш кийими, 5,5-6 минг дона қўлқоп, кунига 600 донагача нон етказиб беришаётир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, солиқ сиёсатининг либераллаштирилиши туфайли касаначилик меҳнат тури ҳам ишлаб чиқаришда яхши самара бермоқда.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини, касаначиликни жадал ривожлантириш мақсадида яратилган шарт-шароитлар ҳамда уларнинг солиқ имтиёзларидан унумли фойдаланганликлари натижасида жорий йилнинг биринчи апрелигача республикамизда 208,6 мингта янги иш ўрни ташкил этилгани буни яққол тасдиқлаб турибди, — дейди Давлат солиқ қўмитасининг солиқ солиш услубини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси Назарали Норбоев. — Албатта, бундай ижобий натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бунинг замирида сўнгги йилларда ушбу соҳани такомиллаштириш, шу орқали тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, шунингдек, соҳага жорий этилган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижроси мужассамдир.

Таъкидлаш керакки, дунё миқёсида кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш йўлида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Жорий йил бошиданоқ 208 та корхонага, шу жумладан, экспорт қилувчи корхоналарга давлат томонидан молиявий кўмак берилганлиги, уларнинг фаолиятига давлат аралашувини камайтириш мақсадида ўтказиладиган текширишлар сони олдинги йилдагига нисбатан 30 фоизга қисқартирилгани ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давомидир.

Муҳими, буларнинг бари аҳоли турмуш фаровонлиги ошишига, республикамиз иқтисодиётининг янада юксалишига хизмат қилаётир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР**
**ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ**
**КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ “КЧМ”**
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ.
КПД ОТ 79 ДО 90%
**а также:**
товар сертифицирован форма оплаты-любая
**КАФЕЛЬ**
(облицовочный и напольный)
**САНТЕХНИКА**
(унитазы , умывальники в большом ассортименте)
**ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ**
**Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73**
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru



**«ЎЗТРАНСГАЗ»**
**АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**
**КОМПАНИЯ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ КОРХОНАЛАР ВА УЛАР ТИЗИМИДАГИ БЎЛИНМАЛАРНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танловда низом жамғармасидаги акциялар пакети (улуши)нинг 50 фоиздан зиёди давлатга тегишли бўлган корхоналарда аудит ўтказиш рўйхатига киритилган аудиторлик ташкилотлари қатнашиши мумкин.

**Таклифлар эълон чоп этилгандан бошлаб 5 кун давомида қабул қилинади.**

**Юридик манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-«А» уй.**
**Мулоқот учун телефон: 239-45-84.**
**Факс: 239-11-47. E-mail: buh.gaz@yandex.ru**


*Муҳтарам газетхон!*
*Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.*


**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**2009/2010 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**



**БАКАЛАВРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА:**

- *касб таълими (ижтимоий-иқтисодий соҳа);*
- *иқтисодиёт (тармоқлар бўйича);*
- *молия;*
- *банк иши;*
- *бухгалтерия ҳисоби ва аудит;*
- *суғурта иши;*
- *ғазначилик иши;*
- *сервис (аҳоли ва туристларнинг овқатланишини ташкил этиш);*
- *туризм операторлик хизматини ташкиллаштириш;*
- *туризм менежменти;*
- *туризм маркетинги;*
- *сервис техника ва технологияси (хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича);*
- *сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги бўйича);*
- *сервис (сифат экспертизаси, хизмат кўрсатиш ва ишлар сертификацияси).*

**Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:**

- *институт ректори номига ариза;*
- *ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *3,5х4,5 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат;*
- *086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.*

**Паспорт ва ҳарбий хизматга тегишли ҳужжат шахсан кўрсатилади. Абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул комиссияси томонидан 2009 йил 20 июлгача қабул қилинади. Тест синовлари 1 август куни ўтказилади.**

**МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА:**

- *тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар ва соҳалар бўйича);*
- *маркетинг (тармоқлар бўйича);*
- *лизинг ва баҳолаш хизматлари маркетинги;*
- *молия, пул муомаласи ва кредит;*
- *аудит (тармоқлар бўйича);*
- *сервис (аҳоли ва туристларни овқатлантиришни ташкил этиш).*

**Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:**

- *институт ректори номига ариза;*
- *олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси;*
- *3,5х4,5 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат;*
- *086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.*

**Паспорт ва ҳарбий хизматга тегишли ҳужжат шахсан кўрсатилади. Абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул комиссияси томонидан магистратурага 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.**

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Телефонлар: (+99866) 233-30-40, 233-38-73.**



**LOK Kolor SINTEZ**
*Қўшма корхонаси*
**ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЛАК-БЎЁҚ МАТЕРИАЛЛАРИ**



**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЮБИЛЕЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН!**
***Рангли эмаль кенг ассортименти учун НАРХЛАР ТУШДИ!***
***МАВСУМ ЯНГИЛИГИ***
**Замонавий ранг тенденциясида фасад безатиш учун**
**ОЛТИН ОХРА "БИНОФАС" БЎЁҒИ**
**ва ушбу гамманинг барча ранг турлари**

**Маҳсулотларимизни корхонамизнинг қуйидаги манзилда жойлашган ФИРМА ДЎКОНИДАН завод нархида сотиб олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 13/22.**

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 13/22.
Тел.: (998 71) 291-47-41, 291-80-94. Факс: (998 71) 291-74-63.
E-mail: lokcolor_uz@mail.ru www.lokkolor.uz
**ISO 9001; ISO 14001; ISO 18001**


Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси марказий кенгаши раёсат аъзоси Хотима Омиловна Шайховага турмуш ўртоғи, меҳнат фахрийси **Эркин ШАЙХОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси география факультети ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт кафедраси профессори **Эркин Аъзамович АҲМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Сурхондарё:

# БУНЁДКОРЛИК ВА САХОВАТ ЗАМИНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Исроил давлатидан 188 минг евро қийматидаги замонавий ускуналар харид қилиниб, 7 хил колбаса тайёрлаш ва бунга қўшимча равишда, ўн хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу янги мажмуада ишлаётган ишчиларнинг ҳаммаси ёшлар — малакали мутахассислар.

Илгари бундан чорак аср аввал фаолиятини бошлаган "Сурхонтекстиль" очиқ ҳиссадорлик жамиятининг алмисоқдан қолган йигирув ва ўров машиналари ўрнатилган цехларига кириб бўлмасди: чанг, шовқин... Маҳсулот ҳам шунга яраша.

Корхонага хорижнинг "BRI" фирмаси сармоя киритди. Чехия ва Германия давлатларининг компанияларидан энг замонавий дастгоҳлар келтирилиб, бу ерда "Сурхонтекс" қўшма корхонаси иш бошлади. Тўқиш-ўраш цехларини энди кўринг. Ишчининг иш ўрни баҳаво, саранжом. Кечагина ғўза чопиб, пахта териб толиққан қишлоқ қизлари энди ноёб ускуналарга операторлик қилади. Ишлаб чиқараётган калава ва матоларининг аксарияти экспортга йўналтирилаётганини ҳис этиб, диққат-маҳоратларини тўкиб ишлайдилар.

Вилоятда ҳозир Корея Республикаси сармоядорлари билан ҳамкорликда очилган иккита — чигитни қайта ишлайдиган "Агросаноат-шингдонг" ва "Шингдонг Спиннинг Термиз" қўшма корхоналари ишлаб турибди.

— Ўзбекистон — қулай инвестициявий муҳит яратилган мамлакатлардан бири, — деган эди "Шингдонг энерком ИН" компанияси президенти С. Ким жаноблари "Агросаноат-Шингдонг" қўшма корхонасининг очилиш маросимида. — Айни пайтда бу бизни ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга рағбатлантиради.

Мустақиллигимизнинг гавҳар қурилишларидан бўлмиш "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли бугун вилоят иқтисодиётининг олтин йўлаги вазифасини ўтамоқда. Жаҳон темир йўл харитасида Дарбанд, Работ, Қофрун каби обод тоғ бекатлари қад ростлади. «Олтин йўлак» Бойсун ва Хонжиза, Шарғун ва Миршоди ҳудудларидаги табиий қазилма хазиналарининг қопқаларини очишда қўл келмоқда.

Ҳа, янги темир йўл воҳа тараққиётида янгича даврни бошлаб берди, десак хато бўлмайди. Биргина 2009 йилда тўғридан-тўғри хорижий сармояларни киритиш билан боғлиқ қирққа яқин инвестициявий ташаббусни, асосан, тадбиркорлар қўлга олишаётгани қувонарлидир. Қисқа муддат ичида воҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизими тубдан ривожланди. Вилоятда ҳозир 27 мингга яқин (бу 2000 йилдагига қараганда, қарийб уч баравар кўп) тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Уларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги улуши ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг учдан икки қисмидан кўпроғини ташкил этмоқда.

— Ишлайман десанг — шароит, ёрдам сўрасанг — имтиёз, маҳсулотингни сотиш учун эса очиқ бозор бор, — дейди Бойсундаги "Жило-Файз" хусусий фирмаси раҳбари Баҳриддин Маматов. — Боболаримиз сандиқсоз бўлган. Ўзимиз ҳам ишни майда косибликдан бошлаганмиз. Бугун-чи?! Кимсан, мебелсозлик фабрикасига эгалик қилиб турган, хориждан сармоя киритиб, чет элникидан қолишмайдиган маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорман.. Фахрланиб айтишим мумкинки, тадбиркор меҳнати ҳеч қайси мамлакатда биздагидек эъзозланмайди. Буларнинг бари, табиийки, истиқлол шарофатидандир.

Президентимизнинг "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қишлоқни шаҳарга яқинлаштириш, ислоҳотларни жадаллаштиришда ижобий бурилишлар нуқтаси бўлди, дейишимиз мумкин. Фермер бугун қишлоқнинг бош тадбиркори. Вилоятда фаолият юритаётган 7 мингга яқин фермер хўжаликларининг аксариятини бугун ёшлар бошқаряпти. "Жарқўрғон" фермер хўжалигининг бошлиғи Баҳром Чўтпўлатов икки йилда икки қишлоққа қудуқ қазиб берди. "Чорвадор" фермер хўжалиги бошлиғи Рахмиддин Шаропов "Ташаббус — 2009" республика кўрик-танловининг бош совринини қўлга киритди. Қишлоқларда кичик цехларни корхонага, тегирмонларни заводларга айлантириш ҳаракатида бўлаётганлар оз эмас.

Дарҳақиқат, ёшларимиз бугун элга елкадош бўлмоқда. Тиббиёт ва таълим-тарбия ислоҳотлари чиғириғи уларнинг муносиб авлод бўлиб етишишини таъминламоқда. Юрт алпомишлари бугун Олимпия чўққиларини забт этаётгани, қишлоқлардаги спорт тўгаракларидан мамлакат, қитъа ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқаётгани кишида беихтиёр фахрланиш туйғуларини уйғотади.

Вилоятдаги 88 та касб-ҳунар коллежини бу йил 23 минг ўғил-қиз битирди. Уларнинг қарийб 80 фоизига меҳнат дафтарчаси очилмоқда.

Сурхондарё тоғларида саратонда ҳам оппоқ қорлар кўзга ташланиб туради. Жанубдан эсган шабаданинг майинлигидан дил яйрайди. Дала бошида деҳқон дамлаган кўк чойнинг таъми ундан-да ширин. Мустақиллигимиз тортиқ қилган имконият, масъулият, бунёдкорлик ҳаммасидан сурурли. Жилғаларни дарёларга, сўқмоқларни равон йўлларга, ниятларни амалий ишларга, тақдирларини юртнинг буюк келажагига боғлаб-туташтириб бораётган элнинг тўй олди тадориклари янада жозибадор.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# НУРЛИ ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, ёз мавсумида болажонларимиз нафақат кўнгилли ҳордиқ чиқаришади, балки юксак эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлишади.

Мавсумга шай этиб қўйилган мана шундай масканлардан бири пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 116-мактаб қошида ташкил этилган "Бўстон" болалар соғломлаштириш оромгоҳидир. Бу ерда ўғил-қизларимизнинг мазмунли ва мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Шинам ётоқхона, дам олиш хоналари, ошхона, кутубхона, чўмилиш ҳавзаси, спорт майдончалари — улар ихтиёрида.

— Масканимизда ёз мавсуми ниҳоясига қадар 440 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради, — дейди соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Гулбаҳор Расулова. — Айни пайтда эса бу ерда 110 нафар 1 — 5-синф ўқувчилари ёзни мазмунли ўтказишаяпти. Чунончи, оромгоҳдаги ҳар бир тадбир ва машғулот қатъий режа асосида ташкил этилган. Масалан, ўқувчиларимиз куннинг биринчи ярмида турли тўгарак машғулотларида қатнашиб, ҳунар сирларидан бохабар бўлишса, куннинг иккинчи ярмида уларни



спорт ва бошқа кўнгилочар тадбирлар ҳамда ўйинлар, соғломлаштириш машғулотларига жалб қиламиз.

Айтиш жоизки, оромгоҳда 12 та тўгарак фаолияти йўлга қўйилган. Чеварлик, тўқиш ва бичиш сирларини ўрганаётган, рақс тушиш маҳоратини эгаллаётган қизалоқлар, шунингдек, турли спорт машғулотлари, компьютер саводхонлиги билан машғул ёшларни кўриб, чин дилдан қувонасиз.

— Мақсадимиз болаларнинг бўш вақтини мазмунли ва мароқли ташкил этишдан иборат, — дейди оромгоҳнинг гуруҳ раҳбари Лола Мансурова. — Шу боис бу ерда аҳил оила муҳитини яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Демак, машғулотларимиз, асосан, тарбия ишларига йўналтирилади. Ўғил-қизлар ўзаро аҳил, дўстона муносабатда бўлишни, оила юмушларига кўмаклашишни ўрганишса, ўйлайманки, улар бундан фақат ютишади.

Оромгоҳ 4 босқичда фаолият кўрсатиши белгиланган бўлиб, ҳар бир босқич муддати ўн кундан иборат. Эътиборли жиҳати, маскандаги дам олиш тадбирлари, машғулотлар режаси ҳам мазкур муддатга мос равишда ишлаб чиқилган.



— Бу йил тўртинчи синфни тамомладим, — дейди Ситора Раҳимова. — Оромгоҳга қатнаётганимга бир ҳафта бўлмаёқ, бу ердаги тўгарак машғулотларида кўп нарсаларни ўргандим. Ҳозир мустақил равишда юмшоқ ўйинчоқлар ясай оламан, тикиш ва баъзи либослар андозаларини тайёрлашни биламан. Шунингдек, тарбиячиларимизнинг йўл-йўриқлари асосида ҳар куни вақтли уйғониб, бадантарбия қилишга, ўз соғлиғимни ўзим назорат қилиб боришга одатландим.

Болажонларнинг таъкидлашича, оромгоҳда ўтказилган "Она шаҳрим, 2200 ёшинг муборак!", "Эртаклар оламига саёҳат", "Қизиқарли ўйинлар шаҳарчаси", "Рақс кечаси" номли тадбирлар уларда катта таассурот қолдирибди. Шу кунларда эса маскан тарбиячилари ва мураббийлари ўғил-қизларни пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига олиб бориш, қизиқарли экскурсия ва саёҳатлар уюштириш тадбирлари билан банд.

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Осиё ўйинлари: Спорт ● Sport ● Спорт

# МЕДАЛЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

***Бугун Сингапурда ўсмирлар ўртасида давом этаётган I Осиё ўйинлари якунланиб, дастурдаги барча спорт турлари бўйича ғолиб ва совриндорлар номи маълум бўлади.***

SINGAPORE Asian Youth Games 2009

Унда 31 нафар вакилимиз спортнинг сузиш, сувга сакраш, стол тенниси, ўқ отиш, стритбол, енгил атлетика, боулинг каби етти тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишаётгани ҳақида хабар берган эдик.

Мусобақаларнинг навбатдаги куни ҳамюртимиз Юлдуз Қўчқорова 100 метрга чалқанча усулда сузиш баҳсида 1:04,07 натижага эришиб, бронза медалини қўлга киритди. Бу ҳозирча терма жамоамиз ҳисобидаги учинчи медаль саналади.

Эслатиб ўтамиз, ушбу Осиё ўйинларидаги дастлабки бронза медалига енгил атлетиканинг баландликка сакраш беллашувда қатнашган (1 метру 68 сантиметр) Светлана Прошкина, иккинчи бронза медалга эса уч ҳатлаб сакраш баҳсида муваффақиятга эришган (14 метру 59 сантиметр) вакилимиз Руслан Қурбонов сазовор бўлган эди.

Энди бошқа вакилларимизнинг мусобақадаги иштирокига тўхталамиз.

200 метрга комплекс усулда сузишда Раънохон Омонова тўртинчи ўринни эгаллади. Дмитрий Швецов маррага бешинчи бўлиб етиб келди. 100 метрга тўрт кишилик эстафета баҳсларида ўсмирларимиз саккизинчи ўринни банд этишди. Ўқ отиш, стол тенниси, боулинг бўйича қатнашган спортчиларимиз эса кўнгилдагидек натижаларга эриша олмадилар.

Кеча 50 метрга чалқанча усулда сузиш бўйича Юлдуз Қўчқорова, 200 метрга брасс усулда сузишда Дмитрий Швецов финал беллашувида иштирок этдилар.

● Осиё ўйинларида қитъамизнинг 45 мамлакатидан келган 1300 нафардан ортиқ ёш спортчилар медаллар учун кураш олиб борди.

# ПЕШҚАДАМЛАР ҒАЛАБАСИ

***Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг ўн иккинчи туридан ўрин олган "Насаф"— "Бунёдкор", "Пахтакор"— "Машъал", "Навбаҳор" — "Нефтчи" учрашувлари бўлиб ўтди.***

Ушбу ўйинлар етакчи жамоаларимиз Осиё чемпионлар лигаси ва кубогида қатнашаётганлиги боис бошқа кунга қолдирилганди.

Тошкентда ўтган беллашув "Машъал" футболчиларининг кетма-кет ҳужумлари билан бошланди. Ўнинчи дақиқагача муборакликлар "Пахтакор" дарвозаси томон беш маротаба зарба йўллашга муваффақ бўлишди. Шу куни пойтахтликлар дарвозасини қўриқлаган Темур Жўраев ишончли ўйин намойиш этди.

Шундан сўнг ҳужум қилиш навбати "Пахтакор" жамоаси томонига ўтди. 12-дақиқага келиб, биринчи ҳужумдаёқ Зайниддин Тожиев ҳисобни очди — 1:0. Иккинчи бўлимда мезбонлар ташаббусни тўлиқ ўзларига оғдириб олишди. Александр Гейнрих меҳмонлар дарвозасига иккита тўп киритиб, ҳисобнинг 3:0 бўлишини таъминлади.

Қарши шаҳридаги Марказий стадионида "Насаф" жамоаси мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — "Бунёдкор"ни қабул қилди. Таъкидлаш лозимки, ушбу жамоалар ўртасидаги ўйинга қизиқиш доимо юқори бўлган. Бу сафарги учрашувни мухлислар янада интиқлик билан кутишганди. Сабаби, 1999 йили жаҳоннинг энг яхши футболчиси бўлган Ривалдонинг Қаршида ҳам мухлислари кўп. Қолаверса, ушбу ўйин яқинда "Бунёдкор"га бош мураббий этиб тайинланган Луиз Фелипе Сколари учун ҳам дебют ҳисобланарди. Шу боис ўйин бошланмай туриб, Марказий стадионида бирontaям бўш жой қолмади. Грандлар ўртасидаги беллашувни тўғридан-тўғри кузатиш мақсадида ўйингоҳга 16 мингдан ортиқ ишқибоз ташриф буюрди.



Қизиқарли курашлар остида ўтган учрашув 1:2 ҳисобида "Бунёдкор" жамоаси фойдасига ҳал бўлди. "Навбаҳор" — "Нефтчи" баҳсида 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Шундай қилиб, ўн тўрт учрашувнинг барчасида зафар қучган "Бунёдкор" ўз очколарини 42 тага етказиб олди. Иккинчи ўринда бораётган "Пахтакор" ҳисобида эса 36 очко бор.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

***Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган қарорига мувофиқ ўтказилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови она-юртни мадҳ этувчи, мазмунан теран, бадиий жиҳатдан етук қўшиқларнинг яратилишини рағбатлантиришда муҳим омил бўлаяпти.***

# ҚЎШИҚЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

Мазкур қарор ижроси доирасида Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳам кўрик-танлов беллашувлари юқори савияда ўтказилди. Уларда ижро этилган куй-қўшиқлар орқали муқаддас ва бетакрор юртимиз буюклиги, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, халқимизнинг эзгу фазилати, миллий анъана ва қадриятларимиз, истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз тараннум этилди.

Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари, ҳарбий қисм ва муассасаларнинг профессионал ва ҳаваскор жамоалари ижрочилари иштирокидаги танловнинг якуний босқичи пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар учта — ватанпарварлик, сафда юриш қўшиқлари, лирика ва санъат йўналишлари бўйича ўз ижрочилик маҳоратларини намойиш этишди. Ҳар бир асар матни, мусиқаси, ижро маҳорати ва унда Ватан тараннуми нечоғли ифода этилганига қараб баҳоланди.

Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси, подполковник Шуҳрат Дадажонов, Андижон гарнизонидан кичик сержант Баҳодир Исломов ва Термиз гарнизонидан кичик сержант Фозилжон Тўрабоев биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Ғолиблар кўрик-танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олдилар.

**Ф. ФУРҚАТОВ.**

# ОБ-ҲАВО

**(7 июль)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 16-21, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 16-21, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 16-21, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 16-21, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

***«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.***

# ПОЙАБЗАЛНИНГ ҚУЛАЙИ ДУРУСТ

***Қадимда аждодларимиз дори-дармонсиз ҳам тан сиҳатлигини асраш мумкин, деб ҳисоблаганлар. Бунинг учун эса орасталикка риоя қилсак, танани чиниқтириб бориш, бадантарбия билан шуғулланишни канда қилмасак бас, унча-мунча хасталик саломатлигимизга хавф сололмайди.***

Бир пайтлар одамлар бадантарбиянинг энг оддий усулларидан бўлмиш ялангоёқ юриш машқини ниҳоятда фойдали, деб билганлар. Бугунги тиббиёт ҳам ушбу тадбир соғлиқ учун кони фойда эканлигини исбот этмоқда. Хусусан, олимлар фикрича, киши асаб толалари иссиқ ва совуққа нисбатан ўта сезгир бўлар экан. Бу сезувчан ҳиссиёт терморецепторлар деб аталади. Оёқ ва юқори нафас йўлининг шиллиқ пардаларида жойлашган терморецепторлар бир-бири билан узвий боғланганлиги туфайли оёқнинг бир оз совиши, ўз навбатида, шиллиқ пардалар совишига, тана ҳарорати пасайишига олиб келади. Натижада чиниқмаган киши шамоллаш билан боғлиқ турли хил касалликларга чалиниши мумкин.

Организмни ялангоёқ юриш билан чиниқтириш муайян бир тартиб асосида олиб борилса, самарали натижа беради. Масалан, совуққа сезгир кишилар икки-уч кун мобайнида оёқни нам латта билан артиб туришлари керак, нохуш аломатлар сезилмаса, демак, ялангоёқ юришни давом эттириш мумкин.

Таниқли олим И. Саркизов-Серазини тез шамоллашга мойил кишилар қуйидагича тадбирдан фойдаланишларини мақбул деб топади: даставвал пайпоқ билан уй ичида у ёқдан бу ёққа юрилади. Сўнгра 15-30 дақиқа давомида эрталаб ва кечқурун пайпоқсиз қадам ташланади. Кун сайин ялангоёқ юриш даврига 10 дақиқадан қўшиб борилиб, машқ жараёни бир соатга етказилади. Бир ойлар ўтгач эса тупроқда юриш машқ қилинади. Шуни эсда тутиш жоизки, ялангоёқ юрилганда, сариштa тупроқни, илиқ қумли, майин майсали жойларни танлаган маъқул.

**Билиб қўйган яхши**

Тарихий битикларда айтилишича, қадимий Спарта талабаларига 18 ёшга тўлгандан сўнггина пойабзал кийиш учун рухсат берилар экан. Албатта, бу вояга етаётган ўсмирнинг томирида қон равон айланишини таъминлаган.

Баъзан яхши кийинишга ҳаракат қилиб, оёққа азият етказадиган пойабзалларни ҳам танлайверамиз. Мутахассисларнинг айтишича, тор, нарвонпошна пойабзал кийиш қон томирларини қисиб қўяди. Натижада қон томир бўйлаб равон ҳаракат қила олмайди ва ҳалқобланиш юзага келади. Оёқ тери ва мушакларига қон орқали келувчи озуқалар камайиб, терининг табиий курашчанлик қобилияти сўна бошлайди ва димиққан панжалар орасида замбуруғли касалликлар, иллатли яралар пайдо бўлади.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, ҳар биримиз орасталикка эътибор беришни ёдда тутишимиз керак. Кечқурунги уйқу олдидан оёқни тозалаб ювиб, илиқ сувда ванна қилишни канда қилмаслик даркор. Баъзилар истеъмол содаси ёки марганцовкали сувдан, хўжалик совунидан фойдаланишади. Афсуски, бу омиллар тери табиатини бузиб, унинг дағаллашишига, қайишқоқлиги йўқолишига олиб келади. Шунинг учун иложи борича тозалаш воситаси сифатида атир совундан фойдаланган маъқул. Қолаверса, оёқ райҳон, қарағай куртаклари, мойчечак гулининг дамламаси билан ювилса, тери майин тортиб, турли зарарли бактерия ва замбуруғлардан холи қилади.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 37593 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.00 Топширилди — 03.50 1 2 3 4 5 6 8 9